



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

6 (38) 2021

Сопредседатели редакционной коллегии:

Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.АБДУМАЖИДОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
Т.А. АСКАРОВ
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
С.И. ИСМОЙЛОВ
Е.Е. КОБИЛОВ
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ш.Э. ОМОНОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
К.Б. ШОДМАНОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
М.Ш. ХАКИМОВ
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПАТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN
MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

6 (38)

2021

ноябрь-декабрь

МУНДАРИЖА * CONTENTS * СОДЕРЖАНИЕ

SCIENTIFIC-THEORETICAL MEDICINE

<i>Sharipov A.T., Ergasheva N.O., Nurmamatova K.Ch.</i>		<i>Yusupov A.S., Satvaldieva E.A., Fayziev O.Ya., Sobirov I.A., Poyonov M.M., Umarova M.A.</i>
CLINICAL AND NEUROLOGICAL MANIFESTATIONS OF ENURESIS IN CHILDREN AND NEW APPROACHES TO NON-DRUG CORRECTION.....	7	CHANGES IN HEMODYNAMICS UNDER CONDITIONS OF COMBINED INHALATION ANESTHESIA WITH SEVOFLURANE DURING OTORHINOLARYNGOLOGICAL SURGERY IN CHILDREN.....
<i>Abdumadzhidov A.A.</i>		<i>58</i>
PHYSIOLOGICAL PECULIARITIES OF BILIARY FUNCTION OF THE LIVER.....	11	<i>Baymakov S.R., Yunusov S.Sh., Boltayev Sh.Sh., Babakulov Sh.Kh., Aslanov Z.A., Janibekov Sh.Sh.</i>
<i>Askaryants V.P.</i>		THE USE OF ENTEROSORPTION IN THE COMPLEX TREATMENT OF ACUTE INTESTINAL OBSTRUCTION AND ASSESSMENT OF ITS EFFECTIVENESS.....
CHANGES IN CERTAIN BLOOD PARAMETERS AT HIGH TEMPERATURE AND INSOLATION UNDER REPEATED EXPOSURE AND DIFFERENT FOOD QUALITY.....	15	<i>63</i>
<i>Babadzhanova F.A., Shagiyazova L.M.</i>		<i>T.S. Guseynov, Z.A. Kakharov, S.T. Guseynova, A.E. Esedova, A.SH. Kadiev.</i>
CHANGE OF BLOOD MINERALS WITH ADDITIONAL ADMINISTRATION OF COOKING SALT INTO THE BODY.....	18	ANATOMY OF REGIONAL LYMPH NODES, WHICH HAVE CONNECTIONS WITH CERVICAL ORGANS.....
<i>Fayziev E.N., Askarov T.A., Ashurmetov A.M., Axmedov M.D., O'sarov A.M., Agzamova M.N.</i>		<i>70</i>
EXPERIENCE OF APPLICATION OF ENDOLYMPHATIC ANTIBACTERIAL THERAPY OF HEMATOGENIC OSTEOMYELITIS IN ADOLESCENTS.....	21	<i>U.U. Sabirov., A.S. Yakubova</i>
<i>Razhabov Sh.Yu., Ruziev Sh.I.</i>		THE IMPORTANCE OF VITAMIN D IN THE PATHOGENESIS OF THE DEVELOPMENT OF VITILIGO.....
FORENSIC CRITERIA FOR EVALUATION OF CRANIAL VALVE FRACTURES IN CEREBRAL INJURIES.....	25	<i>74</i>
<i>Rakhmonova F. M., Okhunzhonova H. X.</i>		<i>Amonov Muhammad Komil o'g'li</i>
INCREASING THE EFFICIENCY OF COMPREHENSIVE TREATMENT OF CHILDREN WITH ACUTE ODONTOGENIC INFLAMMATORY PROCESSES.....	31	FACTORS OF HIGH MORTALITY IN SEVERE COVID-19 PATIENTS.....
<i>Sultonova F.A. Dadamukhamedova Sh.M.</i>		<i>79</i>
ANALYSIS OF RESULTS FOR DETERMINING THE CAUSES OF DEVELOPMENT OF REFRACTION DISORDERS IN PRIMARY SCHOOL CHILDREN.....	34	<i>Djuraeva N.O., Kholov G.A.</i>
<i>Rovshanov Sh. N., Ergashov M. M., Kholboev G'. T., Mo'minov S. T.</i>		KIDNEY DYSFUNCTION IN CHRONIC HEART FAILURE.....
SURGICAL TREATMENT OF LONGITUDINAL FLAT FEET.....	42	<i>82</i>
<i>Safarova Gulnoz Avazhanova</i>		FEATURES OF THE CLINICAL COURSE OF COVID-19 IN COMORBID CONDITIONS.....
FEATURES OF THE CLINICAL COURSE OF COVID-19 IN COMORBID CONDITIONS.....	88	<i>Habibova N. N., Olimova D. V.</i>
<i>Ergashev B.B., Akhmedova N.Sh.</i>		FEATURES OF CLINICAL MANIFESTATIONS, DIAGNOSTICS AND TREATMENT OF GLOSSALGY.....
INTERACTION OF TREATMENT OF ONCOPATHOLOGY AND CARDIOVASCULAR DISEASES.....	96	<i>96</i>
<i>Makhmudova L.I., Ergashov B.B.</i>		<i>Makhmudova L.I., Ergashov B.B.</i>
CLINICAL AND ANAMNESTIC FEATURES OF IRRITABLE BOWEL SYNDROME.....	104	CLINICAL AND ANAMNESTIC FEATURES OF IRRITABLE BOWEL SYNDROME.....

Мақолалардаги маълумотлар учун музалиф ва бош муҳаррир масъул.

Таҳририят фикри музалифлар фикри билан муносаб бўлмаслиги мумкин.

Барча музалифлик ҳуқуқлари ҳимояланган.

Барча маълумотлар таҳририят ёзма руҳсатисиз чон этилмайди.

Масъул муҳаррир: *Сафоев Б.Б.*
Бадийи муҳаррир: *Пұлатов С.М.*
Таржимон: *Ғайбулаев С.С.*

Териштаг берилди 21.06.2021 й.
Босиштаг руҳсат этилди 30.06.2021 й.
Бичими 60-84 %.
Шартли босма табоби 47,0.
Оғсег қозозида чон этилди.
Адали 100 нусха.
27-буюртма.
«HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO'JIZASI»
босмахонасида чон этилди. 100000.
Тошкент, А.Темур кўчаси, 60 А.

«Тиббиётда янги кун» тиббиёт журнали таҳририяти,
Тошкент ш., 100011,
Навоий кўчаси, 30-уй,
тел.: +99890 8061882,
e-mail: ndmuz@mail.ru

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 16 февралда рўйхатта олинган (03-084-сонли гувоҳнома).
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи 7048.

<i>Yu.M. Khodjibekova, A.I. Ikramov, L.R. Yunusova</i>	
COMPUTED TOMOGRAPHY AND MAGNETIC RESONANCE IMAGING OF HEAD AND NECK TUMORS.....	108
<i>Raximbaeva G.S., Xamraev N.R.</i>	
ASSESSMENT OF REHABILITATION POWERS OF CHILDREN WITH BRAIN TRAUMATIC DISEASE.....	114
<i>Xamraev N.R., Raximbaeva G.S.</i>	
DYNAMICS OF QUALITY OF LIFE IN CHILDREN WITH BRAIN TRAUMATIC DISEASE.....	119
<i>Khaidarova F.A., Umarkhodzhaeva Z.A.</i>	
COURSE OF MENOPAUSE IN WOMEN DEPENDING ON HORMONAL FINOTYPE.....	126
<i>Gadayev A. G., Amonov M. K.</i>	
VECTOR FOR ACUTE KIDNEY INJURY IN COVID 19.....	132
<i>M.A. Sabirov, N.N. Sultonov, S.N. Isirgapova, M.Kh. Tashpulatova</i>	
A MODERN APPROACH TO ANTI-AGGREGATE TREATMENT FOR CHRONIC KIDNEY DISEASE.....	135
<i>Kadirova Sh.A., Jumanazarov S.B., Sapayeva Z.A.</i>	
CLINICAL FEATURES OF RENAL DAMAGE IN GOUT.....	145
<i>Khaidarov K.I., Usmanova D.D.</i>	
ACID-BASIC STATE INDICATORS FOR VARIOUS KINDS OF ANESTHESIA DURING CARDIAC SURGERY IN CHILDREN IN A COMPARATIVE ASPECT.....	150
<i>Boyko E.V., Khudaiberdieva D.A.</i>	
ON THE ISSUE OF THE SIGNIFICANCE OF METHODS OF DIAGNOSIS OF PROSTATE CANCER.....	153
<i>Uralov Sh. M., Kobilov E. E., Tukhtaev M. K., Nekbaeva F. Z., Zhamolov A.K., Tuktaeva N. M.</i>	
ABOUT THE INFLUENCE OF GENETICOI PREDISPOSITION TO DEVELOPMENTENTE AND THE COURSEOF ACUTE STENOSING LARYNGOTRACHEITIS IN CHILDREN.....	160
<i>Nasirjan Mukhamedjanovich Yuldashev</i>	
MOLECULAR BIOLOGY OF MEMBRANE-BINDED PROTEINS OF CORONAVIRUSES.....	164

УДК 616-002.782: 616.61-002.27

ПОДАГРАДА БҮЙРАКЛАР ЗАРАРЛАНИШИНинг КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Қодирова Ш.А., Жуманазаров С.Б., Сапаева З.А.

Тошкент тиббиёт академияси
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

✓ Резюме

Куйидаги мақолада подагра билан оғриган беморларда бүйрак шикастланиши бүйича адабиёт мағлумотлари көлтирилган ва пурин алмашинувининг ушбу касалликларнинг хусусиятлари билан боғлиқтегига алоҳида эътибор қаратилган. Сийдик кислотаси даражаси ва бүйрак функцияси ўртасидаги боғлиқлик подагрик нефропатияси - подагра натижасида келиб чиқсан бүйрак шикастланиши контекстидаги айтиб ўтилган. Сўнгги йилларда ушбу муаммога бўлган қизиқиши доимий равишда ортиб бораётгани, замонавий технологияларнинг ривожланиши ва подагра ва бүйрак патологиясига багишланган жисддий тадқиқотлар сонининг ортиб бораётгани билимларимиз ва клиник имкониятларимизни изчил кенгайтиришига умид қилинмоқда.

Калит сўзлар: подагра, гиперурикемия, подагрик нефропатия

КЛИНИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОРАЖЕНИЯ ПОЧЕК ПРИ ПОДАГРЕ

Қодирова Ш.А., Джуманазаров С.Б., Сапаева З.А.

Ташкентская Медицинская Академия
Ургенчский филиал Ташкентской Медицинской Академии

✓ Резюме

Представлены данные литературы, посвящённые вопросам поражения почек у больных подагрой, и особое внимание уделено взаимосвязи пуринового обмена с особенностями этих нарушений. Взаимосвязь между уровнем мочевой кислоты и почечной функцией упоминается в контексте так называемой подагрической нефропатии – поражении почек при подагре.

В последние годы непрерывно возрастает интерес к этой проблеме, развитие современных технологий и растущее число серьёзных исследований, посвящённых подагре и почечной патологии, позволяют надеяться на прогрессивное расширение наших знаний и клинических возможностей.

Ключевые слова: подагра, гиперурикемия, подагрическая нефропатия

CLINICAL FEATURES OF RENAL DAMAGE IN GOUT

Kadirova Sh.A., Jumanazarov S.B., Sapayeva Z.A.

Tashkent Medical Academy
Urgench branch of Tashkent Medical Academy

✓ Resume

The literature data on the issues of kidney damage in patients with gout are presented, and special attention is paid to the relationship of purine metabolism with the characteristics of these disorders. The relationship between uric acid levels and renal function has been mentioned in the context of so-called gouty nephropathy - kidney damage caused by gout. The continuously increasing interest in this problem in recent years, the development of modern technologies and the growing number of serious studies devoted to gout and renal pathology, give hope for a progressive expansion of our knowledge and clinical capabilities.

Keywords: gout, hyperuricemia, gouty nephropathy



Долзарбилиги

П одагра тизимли тофусли касаллик бўлиб, торган ва тизимларда натрий моноуратларининг тўпланиб, яллиғланишни юзага келтириши, баркароргиперурикемияли (≥ 360 мкмоль/л) беморларда учраши ва ташқи ва (ёки) ирсий омилларнинг бодлиқлиги хос бўлган касаллик хисобланади [7,2,4,10].

Асосини пурин алмашинувининг бузилиши ва тўқималарда сийдик кислотаси тузларининг ортиқча тўпланиши ташкил киладиган организмнинг умумий касаллиги бўлиб, бўгимларнинг, буйрак ва бошқа ички аъзоларнинг ўзига хос заарланишига олиб келади. [12]. Бирламчи ва иккиласми подагра, метаболик (10-25%) ва буйрак (75-90%) типлари фарқланади [2,6].

Подаграбилан аҳолининг 0,1 % кисми оғрийди ҳамда ушбу касаллик ревматик касаллар орасида 7-8 %ни ташкил қиласди. Касаллик ҳар 1000та аҳолига нисбатан 5 тадан дан 70гача учрайди. Подагра билан кўпинча эркаклар 6-7 марта аёлларга қараганда кўпроқ оғрийди. Охирги йилларда ҳамма давлатларда подагра касаллиги сони ошмоқда. Жумладан, АҚШда олиб борилган эпидемиологик текширишларга кўра подагра аҳолининг 3,9 %и ва Европа мамлакатларида 0,9 % дан 2,5% тарқалган. Касаллик асосан 40-50 ёшдаги эркаклар, 60 ва ундан катта ёшдаги аёлларда (климатерик даврда) учрайди [4].

Тошкент шахрида олиб борилган эпидемиологик текширишларга қараганда, 5000 таахолидан 5,8% да бўгим касаллиги

Хавф омиллари: [12].

Сийдик кислота ва уратлар Гиперпродукциясиомиллари	Буйраклар орқали уратлар экскрециясининг камайиши
Сийдик кислота синтезида ферментларнинг генетик нуқсони Масалан: Леш–Найденсиндроми: гипер-урикемия, подагрик артрит, уратли нефролитиаз, ақлий заифлик, тажофузкор хулқ, ўзни шикастлашга мойиллик, хороатетоз	Генетик <ul style="list-style-type: none">• буйраклар поликистози• Даун касаллиги
Ёндош касаллар <ul style="list-style-type: none">• тематологик: миелопролифератив валимфопролиферативсиндромлар, полицитемия• хавфли ўсмалар• псориаз• семириш• тўқимагипоксияси• гипертриглицеридемия• гликогенозлар(3-,5-,7- типлар)	Ёндош касаллар <ul style="list-style-type: none">• дегидратация/гиповолемия• сурункали буйрак касаллиги• артериал гипертензия• метаболик синдром, семириш• кетоацидоз• гипотиреоз• гиперпаратиреоидизм• саркоидоз
Экзогеномиллар <ul style="list-style-type: none">• пуринга бой овқат маҳсулотларини (қизил гўшт, балиқ, шоколод, нўхат, пиво) кўп миқдорда истеъмол қилиш• дори моддалари: цитотоксик – ўсмага қарши, витамин В12 (пернициозанемияни даволаш), никотинкислотаси, варфарин, этанол	Экзоген омиллар <ul style="list-style-type: none">• оч қолиш• этанол• диуретиклар(тиазидли, қовузложли)• аспирин кичик дозаларда• циклоспорин• этамбутол• никотин кислотаси• леводопа

мавжуд бўлса, подагра унинг 0,04% ни ташкил этади.

Охирги йиллардаги кузатишлар подагрининг “ёшараётганини” қайд килмоқда. Кузатишларга караганда, охирги вактларда подагрининг ривожланиши ёшлар орасида (20-30 ёшда) кўпаяётгандиги қайд килинмоқда. Бундан ташқари подагрик тугунчаларнинг тўқимада ва суюқда ташкил топиш даври қисқарди. Агар улар олдинлари 10-20 йилдан кейин хосил бўлган бўлса, у хозирда 5-10 йилга қисқарди. Бунинг ҳаммасига хозирда ташки муҳитдаги ўзгаришлар сабабчи, деб ҳисобланади.

Подагра кўпроқ турмуш даражаси юкори бўлган мамлакатларда кўпроқ тарқалган бўлиб, пурин асосларига бой бўлган овқатларни истеъмол қилиши натижасида (гўшт, парранда, гўшт маҳсулотлари) юзага келади дейилсада, лекин кишида физик активликнинг пасайиши ҳамда дорилар (диуретиклар, салицилатлар)ни назоратсиз истеъмол қилиш ҳам урикемия даражасини оширади [12].

Аҳолининг турмуш даражасининг ошиши, урбанизация муносабати билан гипертония, қандли диабет, семириш, гипер-триглицеридемия, гиперхолестеринемия подагрининг кўпайиши ва хуружларининг сонининг ошишига сабаб бўлмоқда. Подагракасаллигининг ҳам сони ошиб бормоқда. Бинобарин касалликнинг юзага чикишида генетик мойиллик, этник ва географик шароитлар, овқатланиши турмуш тарзи муҳим роль ўйнайди [7].

Сийдик кислотасининг нормадаги алмашинуви

Подагра сурункали касаллик бўлиб, организмда сийдик кислотасининг алмашинувининг бузилиши билан бөглиқ, конда унинг микдори ошиб кетади ва сийдик кислота кристаллари натрийли тузлари (уратлар) тўқималарга ўтиради. Соглом одам организмидаги сийдик кислотаси пуринлар парчаланишининг охирги маҳсулоти ҳисобланади. Нормада сийдик кислотаси организмда 1000 мг бўлиб, суткада 650 мг қайта янгиланиб туради, яъни шунчаси организмдан чиқарилиб, яна қайта ҳосил бўлиб турилади. Сийдик кислотасининг ҳосил бўлиш манбаи организмдаги пурин бирикмалари бўлиб, улар организмга овқатлар таркибида тушади ҳамда нуклеотидларнинг модда алмашинуви жараёни натижасида содир бўлади. Коннинг плазмасида сийдик кислотаси эркин натрий урати ҳолатида бўлиб, эркакларда 0,3 ммоль/л. ни, аёлларда эса 0,24 ммоль/л. ни ташкил этади. Эркакларда унинг юқори чегараси нормада 0,42 ммоль/л., аёлларда 0,38 ммоль/л деб қабул қилинган. Унинг микдорининг бундан ошиб кетишига “гиперурикемия” дейилади ва у подагранинг ривожланиши учун хавфли омил ҳисобланади [12].

Хозирда Европа антиревматик лигаси (EULAR) (2016 йил) экспертларининг тавсиясига кўра “гиперурикемия” ҳолати, дебхисобланиши учун сийдик кислотасининг микдори >360 мкмоль/л (6мг/дл)дан ошиб бўлиши керак [20]. Бу ҳолат эркакларда подагранинг ривожланиш хавфини 4 марта, аёлларда эса 1,7 марта оширади.

“Подагрик нефропатия” – терма тушунча бўлиб, подаграда буйракдаги ўзгаришларга айтилади: буйрак паренхимасида тофусларнинг мавжудлиги, урат тошлари, интерстициал нефрит, гломерулосклероз, артериосклерознинг нефросклерозга олиб келади [12]. Буйракларнинг заарланиши подаграли беморларнинг 30-50% [8], бошқа манбаларга кўра 75% [11] ҳолда учрайди, 50% касалларда каналчаларда тофуслар ва 10-15% да, эса буйрак жомларида тошлар [11] кузатилади. Подагранинг ўзига ҳос белгиларидан бири, буйракнинг шикастланиши-интерстициал нефритидир. Унинг сабаби буйракнинг оралиқ тўқимасига уратларнинг тўпланишидир. Шу билан бир вактнинг ўзида томир ва буйрак шикастланади (гломерулосклероз, нефросклероз), артериал босимнинг ортиши ва буйрак функциясининг этишмовчилиги кузатилади, кўпчилик олимларнинг маълумотига кўра подагрик буйрак 25-41% ҳолда беморларнинг ўлимiga сабабчиидир [15].

Радиоизотоп ренография текширишида буйракларнинг функцияси 93% беморларда бузилганлиги аникланган. Сийдик кислотасининг барқарор қонда 8 мг дан ошиши сурункали буйрак касаллиги (СБК) нинг 3-10 марта кўпроқ ривожланишига олиб келади. Подаграли 4та бемордан биттасида СБК кузатилади, қари ёшдаги беморларда эса 18-25% ҳолда эса ўлимга олиб келади. [6]

Япониялик олим M. Tomita ва ҳаммуаллифлар (2000 й) 25-60 ёш [22] орлиғидаги 49413та эркакларда уратлар микдори билан СБК ўртасидага бевосита коореляцион бояланишни кузатишди, яъни оғир даражали гиперурикемия ($>8,5$ мг/дл) ҳолатида СБК нинг ривожланиши ўртача оғирликдаги гиперурикемия ($5,0-6,4$ мг/дл)га караганда 8 марта кўпроқ ривожланганлиги аникланган.

C. Wibowo ва ҳаммуаллифлар (2005 й) индонезиялик подаграли беморлар (29,2%) [26] нинг подагрик артрит, тофуслар билан биргаликда 69,5% кисмида буйраклар функцияси бузилишини кузатишган.

Маълумки, ностероид яллигланишга қарши воситалар (НЯҚВ) одатда гиперурикемияли подагра билан оғриган беморларда подагра ҳуружларини бартараф этиш учун буюрилади. Гиперурикемия билан оғриган беморларда НЯҚВларни қабул қилишда буйракнинг ўткир зараланишининг хавф омилларини ўрганиш учун 1998 йил декабридан 2008 йил январигача Сеул миллий университети касалхонасида НЯҚВларни қабул қилган гиперурикемияли подагра билан оғриган 328 бемор текширилди. Ёш, жинс, тана масса индекси, биргаликда қўшилиб келган касалликлар, НЯҚВларнинг ЦОГ-2 селективлиги, контокчалар фильтрация тезлиги (КФТ), плазмадаги сийдик кислотаси даражаси, плазмадаги албумин, гемоглобин, қондаги мочевинанинг креатининг нисбати ва алтопуринолдан фойдаланиш каби хавф омиллари ўрганилди. Натижада НЯҚВларни қабул қилган 30 нафар беморда (9,1%) буйракнинг ўткир зараланиши аникланган. Бир ўлчовли таҳлил шуни кўрсатди, ёши каттарок ($p=0,008$), паст КФТ ($p=0,001$), паст плазмадаги албумин ($p<0,001$) ва паст гемоглобин ($p<0,001$) мумкин бўлган хавф омиллари. Кўп ўзгарувчан логистик регрессия таҳлили шуни кўрсатди, паст бошланғич КФТ ва паст плазмадаги албумин ($p=0,001$, албумин учун ≤ 4 га нисбатан >4 г/дл) гиперурикемияси бўлган беморларда буйрак касаллиги ривожланиши учун хавф омиллари ҳисобланади. Муаллифларнинг фикрича, паст КФТ ва паст плазмадаги албумин гиперурикемияси бўлган беморларда буйрак этишмовчилигининг ривожланиши учун хавф омиллари ҳисобланади [19].

Сийдик кислотасининг буйраклар функциясига бевосита таъсир қилишида 2та механизм борлиги тадқиқотларда келтирилган. Биринчидан, гиперурикемия буйрак каналчалари эндотелийсининг зарарланишига ва ялиғланишига олиб келади. Сийдик кислотаси томир силлик мушакли хужайралар [9] ва каналчаларнинг проксимал эпителийси [13]даги моноцитар хемоаттрактив протеин микдорини ошириш хусусиятига эга. Моноцитар хемоаттрактив протеин-1 эса атеросклероз ва сурункали буйрак касаллиги ривожланишида асосий роль ўйнайдиган хемокинлардан ҳисобланади. Иккинчидан, гиперурикемия буйрак коптоқчаларидаги гемодинамиканинг бузилишига сабаб бўлади.

Буйраклар тўқимаси зарарланиши гиперурикемия ҳолатида тубулоинтерцийда ва буйрак жомида урат кристалларининг тўпланиши, фибринолитик омил (урокиназа) фаоллигининг пасайиши, эндотелий дисфункцияси, юкстагломерулархужайралар томонидан ренин экскрециясиҳамда буйракренин-ангiotензин-альдостерон тизимишинг фаоллашуви туфайли рўй беради [1,8].

Подагрик нефропатиянинг кўринишлари:

Уратли нефропатиянинг бир неча хил шакллари фарқланади: ўткир сийдикли нефропатия, (кўпинча уратли нефролитиаз билан биргаликда), уратли нефролитиаз, сурункали тубулоинтерстициал уратли нефрит [2,3].

Ўткир уратли нефропатия (сийдик йўлларининг сийдик кислотаси кристаллари билан тўсқинлик қилиши) ўткир ривожланади ва ўткир буйрак шикастланиши сифатида намоён бўлиши мумкин [9]. Беморлар сийдик рангининг жигарранг рангга (“пишган гишт ранги”) ўзгариши билан пешоб микдорининг киска муддатли камайишини сезадилар. Олигурия анурия билан алмашиши мумкин. Кейинчалик компенсацион полиурия кузатилади, ундан кейин сийдик микдори нормаллашади. Ҳатто, киска муддатли, 72 соатлик сийдик обструкцияси хам нефронларнинг кисман йўқолиши туфайли буйракнинг резидуал функционал нуксонга олиб келади.

Уратли нефролитиаз: A.Trinchieri ва бошқалар (2017) [23] 50 йил давомида урат нефролитиазининг тарқалиши бўйича оригинал илмий тадқиқотлар натижаларини ўз ичига олган 92та нашрни тизимили кўриб чиқишиган. Маълум бўлишича, бу АҚШ, Австралия, Жанубий Африка (оқ танлилар), Саудия Арабистони ва Ероннинг катталар аҳолисининг 0,75% дан кўпрогида, Италия, Ироил, Туркия ва Германия аҳолисининг 0,5% дан ортиғида учрайди. Урат нефролитиазининг тарқалиши

асосан аҳолининг овқатланиш одатлари, иклим ва географик шароитлар билан белгиланади.

Эркакларда уратли нефролитиаз аёлларга нисбатан 10 марта кўпроқ аниқланган ва 705 ҳолда тошлар асосан уратлардан иборат бўлиб, камрок ҳолда эса оксалат ва кальций тузларидан иборат бўлган.[16].

Ривожланган мамлакатларда абдоминал семиришнинг кўплиги туфайли катта ёшдаги аҳолида 10% нефролитиаз учраб, тошлар асосан урат тузларидан иборат бўлган [14]. Семириш уратли нефролитиазнинг ривожланишида етакчи роль ўйнайди: согласно кишиларга нисбатан эркакларда 5марта ва аёлларда 2,5 марта кўпроқ кузатилган [24]. Шунингдек, бир катор тадқиқотларда гиперурикемия билан уратли нефролитиаз биргаликда кечганда СБКнинг оқибатини ёмонлаштиради [18]. 20-90 ёшли СБКнинг гемодиализ олди ҳолатидаги 5090 та bemor 2003 йилдан 2015 йилларгача бўлган давр оралиги кузатилганда, сийдик кислота микдори қонда ошган сари буйрак этишмовчилигининг терминал босқичи ривожланиш ҳавфи ривожланади [25].

Уратли нефролитиазга ҳос: Сийдик рНи нордон бўлганда, тош ҳосил бўлиши ҳавфи ошади, гиперурикозурия ҳос, подагрик артрит билан биргаликда йиллар давомида белгиларсиз кечади, буйрак санчиги кўринишлари безовта қиласи, кўп ҳолда пиелонефрит билан асоратланиши кузатилади, аксарият ҳолда семириш ва артериал гипертония билан биргаликда келади, сурункали буйрак этишмовчилиги секин-аста ошиб бораверади [12].

Сурункали тубуло интерстициал уратли нефрит (СТИН)

Сурункали тубулоинтерстициал уратли нефрит уратли нефропатиянинг кўп учрайдиган шаклларидан бири бўлиб, кўп вақт белгиларсиз кечади, аммо, СБК нинг рвожланишига олиб келувчи сабаблардан бири ҳамда 18-25% подаграли bemorларда СБК нинг терминал босқичида ўлимга олиб келади [6]. Сурункали уратли тубулоинтерстициал нефрит подагрик артритнинг биринчи хуружидан кейин ривжаниши мумкин, баъзи холларда эса bemorларда артрит белгилари бўлмайди. Сийдикда буйрак каналчаларининг N-ацетил-β-D-глюкозамиnidаза ферменти фаоллигининг сусайши СТИН нинг эрта белгиларидан бири ҳисобланади. Сийдик кислотаси экскрециясининг камайиши ифодаланган гиперурикемия билан биргаликда келгандабуйракларнинг тубулоинтерстицияси зарарланиши ошади. Никтурия ва қонда креатининнинг микдори ошиши мумкин [2].

Сурункали тубулоинтерстициал уратли нефрит (СТИН)га ҳос: Сийдикнинг нисбий

зичлиги пасаяди, никтурия, микрогематурия хос, протеинурия “изи” аникланади, артериал гипертония ривожланади, СБК секин-аста ривожланади (буйраклар коптоказалар фильтрациясининг пасайиши, гиперкреатининемия) [12].

Подагрик нефропатияни эрта ташхислаш учун конда сийдик кислота миқдорини ва буйраклар экскрециясини аниқлаш, буйраклар, сийдик йўллари УТТ, буйраклар КТ, МРТ текширувларини ўтказиш лозим [2, 4, 8]. Сийдик кислотанинг буйраклар орқали экскрецияси (суткалик сийдикда)ни ирсий подаграли анамнезли, 25 ёшгача сийдик-тош касаллиги мавжуд беморларда аниқлаш мақсадга мувофиқ хисобланади [7, 10, 8, 3].

Подагрик нефропатияни самарали даволаш уни эрта аниқлашга қаратилган [20]. Сийдик кислота миқдорини меъёрига келтириш подаграли артрит хуружининг олдини олиши, буйраклар заарланишини эрта аниқлашни ва юрак кон-томир асоратларининг камайишига имконият яратади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Yeliseyev M.S. Podagra. V kn.: Revmatologiya. Klinicheskiye rossiyskiye rekomendatsii. Moskva: GEOTAR-Media; 2017. S. 253-64
2. Klinicheskiye razbory: Vnutrenniye bolezni. Pod red. N.A. Mukhina / M. Littera, 2005; s. 237-59.
3. Klinicheskiye rekomendatsii Rossiyskogo obshchestva urologov po diagnostike i lecheniyu mochekamennoy bolezni / M., 2014; 46 s.
4. Mazurov V.I., Petrova M.S., Belyayeva I.B. Podagra // «Feniks». Sankt-Peterburg.— 2009.— S. 7-8.
5. Mezhdunarodnyye rekomendatsii po diagnostike i lecheniyu podagry // Nauchno-prakticheskaya revmatologiya – 2014; 52 (2): 141-6.
6. Mukhin N.A. Giperurikemiya, arterial'naya giper-tensiya i khronicheskaya bolez' pochek: interpreta-tsiya vzaimosvyazi i strategiya deystviy / N.A. Mukhin // Klinicheskaya nefrologiya. - 2010. - №4. - S. 4-11
7. Revmatologiya. Natsional'noye rukovodstvo. Pod red. Ye.L. Nasonova, V.A. Nasonovoy / M.: GEOTAR-Media, 2008; s. 372-80.
8. Rukovodstvo Yevropeyskoy urologicheskoy assotsiatsii po lecheniyu urolitiazia (EAU), 2013 (sokr.) // Pochki. – 2013; 4: 44-54.
9. Smirnov A.V., Dobronravov V.A., Rumyantsev A.SH. i dr. Ostroye povrezhdeniye pochek / M.: OOO Izdatel'stvo «Meditinskoye informatsionnoye agentstvo», 2015; s. 74-6.
10. Federal'nyye klinicheskiye rekomendatsii. Podagra / M., 2014; 8 s.
11. Khrisunova I.G. Gout. Gouty arthritis / I.G. Khrisunova, N.V. Zhurbina // Methodical recommendations. - Stavropol, Ed. SGMA. - 2003. - S. 31
12. Kodirova Sh.A., Akhmedova N.A., Khodzhanova Sh.I. Gout tibbiyot olyj talim moassasalari professor-kituvchilari, davolash wa tibbiy-pedagogi faculty 5th year talabalari uchun uv-usubiy yllanma Toshkent. 2019 RIOTMA 49 Bet 10-13.21-22.b.
13. Cirillo P. Uric acid, the metabolic syndrome, and renal disease / P. Cirillo [et al.] // J. Am. Soc. Nephrol. – 2006. – V. 17. – P. S165-S168
14. Daudon M. Epidemiology of nephrolithiasis in France. Ann Urol (Paris) 2005; 39 (6): 209-31
15. Heinig M. Role of uric acid in hypertension, renal disease, and metabolic syndrome / M. Heinig, R.J. Johnson // Cleveland Clinic. Journal of Medicine. – 2006. – V. 73. – P. 1059-1064
16. Ito H, Kotake K, Nomura K, Masai M. Clinical and biochemical features of uric acid nephrolithiasis. EurUrol 1995; 27(4): 324-8.
17. Kanellis J. Uric acid stimulates monocyte chemoattractant protein-1 production in vascular smooth muscle cells via mitogen-activated protein kinase and cyclooxygenase-2 / J. Kanellis [et al.] // Hypertension. – 2003. – V. 41. – P. 1287-1293
18. Li CC, Chien TM, Wu WJ. Uric acid stones increase the risk of chronic kidney disease. Urolithiasis 2018; 46 (6): 543-6.
19. Moon K.W. Risk factors for acute kidney injury by non-steroidal anti-inflammatory drugs in patients with hyperuricaemia / K.W. Moon [et al.] // Rheumatology. – 2011. – V. 50(12). – P. 2278-2282 nction from bedside to bench. HypertensRes 2018; 41 (11): 923-31.29.
20. Richette P, Doherty M, Pascual E, et al. 2016 updated EULAR
21. evidence-based recommendations for the management of gout. 2017;76(1):29-42.
22. Risk factors for gout and prevention: a systematic review of the literature. CurrOpinRheumatol. 2011 Mar;23(2):192-195
23. Tomita M. Does hyperuricemia affect mortality? A prospective cohort study of Japanese male workers / M. Tomita [et al.] // J. Epidemiol. – 2000. – V. 10. – P. 403-409.
24. Trinchieri A, Montanari E. Prevalence of renal uric acid stones in the adult. Urolithiasis 2017; 45 (6): 553-62.
25. Trinchieri A, Croppi E, Montanari E. Obesity and urolithiasis: evidence of regional influences. Urolithiasis 2017; 45 (3):271-8.
26. Tsai CW, Chiu HT, Huang HC, et al. Uric acid predicts adverse outcomes in chronic kidney disease: a novel insight from trajectory analysis. Nephrol Dial Transplant 2018; 33 (2): 231-41.
27. Wibowo C. Renal Function in Minahasanese Patients with Chronic Gout Arthritis and Tophi / C. Wibowo [et al.] // Acta. Med. Indones. Indones. J. Intern. Med. – 2005. – V. 37. – P. 61-65

Қабул қилинган сана 09.11.2021

